



**В. И. ЛЕНИН
ТУҒИЛГАН
КУННИНГ 100
ЙИЛЛИГИНИ
МУНОСИБ
СОВҒАЛАР
БИЛАН КУТИБ
ОЛАЙЛИК**

ҲАММА ЕРДА КЎКЛАМ ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБОРАЙЛИК!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР, ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 50 (4297).

12

МАРТ
ПАЙШАНБА
1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ЭКИН ТАРАДУДИ

Янгийўл районидagi Калинин номи колхозининг ўртоқ Бектурган Дўстбулов етакчилиги қилаётган бригада пахта корларини чигит экин қаминишга тайёргарликни қизитиб юборди.

Сув шохобчалари ҳозир тартибга келтирилиб, ер сифатли текисламоқда. Бу иш билан колхозчилардан Назар Қўлдошев, Ширинхон Ғулагов, Сатдулла Мамадов шуғулланилган.

— 120 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан оша—Ватанга 30 центнердан оша—олтин тухфа қилиб, дохилимиз юбилейи йиллолаштиган йилни ёрут юз билан қулайимиз, — дейишди бригада раҳбарлари.

Колхознинг ўртоқ У. Муҳамедов бошлиқ бригадасида ҳам чигит экинга яхши тайёргарлик қилинган.

З. АМУЛЛАЕВ.



Суретларда: (чапда) Кенгаш залда. (Ўртада) Кенгаш қатнашчиларидан бир гуруҳни узаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалаян фотолари.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАР

ОБЛАСТЪ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Кеча, Билимлар уйида областъ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, колхоз ва совхозларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, пешадам бўлим, бригада ва звеноларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

Кенгашда областъ ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхон областъ партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг колхоз ва совхозларда 1970 йилда пахта, лон ва бошқа деҳқончилик экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш соҳасидagi вазифаларни тўғрисида доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тоиров, Ўрта Чирчиқ районидagi Карл Маркс номи колхоз раиси Т. Орипов, Бўстонлиқ районидagi 13-«Бўстонлиқ» совхозининг директори М. Л. Пугачева, Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозининг авено бошлиғи М. Марамнов, Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхозининг раиси Т. В. Эм, Чирчиқ электротехника комбинатининг директори В. Қодиров, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхозининг пиллаччилик

агротехники Х. Боботоева, Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Г. Хайруллаев, мусобақачи Сирдарё областъ ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Хайдулов, Оржоникидзе районидagi «Октябрь» колхозининг суг соғувчиси Б. Булдинова, Бекобод районидagi Ленин номи колхоз звено бошлиғи Х. Раззоқов, Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Махмудов, Бўқа район ижроия комитетининг раиси Р. Қодиров ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзоси, республика Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Наериддинова қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгашда Тошкент областъ партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонوف нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари областъ қишлоқ хўжалик ходимларининг 1970 йил — юбилей йилидаги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

(Кенгаш ҳамжамда батафсил маълумот газетамизнинг нобатдаги сониди берилади).

ОБЛАСТЪ РАЙОНЛАРИДА
БЕДА ЭКИШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
11 МАРТАГА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(ТЕКТАР ҲИСОБИДА)

Биринчи стун-районлар, иккинчи стун-беда экин плани, учинчи стун-экинган майдон, тўртинчи стун-планининг бажарилиш проценти, бешинчи стун — шу жумладан бошқа экинларга аралаштириб экинган беда.

Оққўрғон	2400	1519	63,3	1320
Ўрта Чирчиқ	1700	805	47,4	741
Бекобод	1660	569	34,3	569
Бўқа	1700	498	29,3	483
Оржоникидзе	850	150	17,6	150
Калинин	850	136	16,0	136
Янгийўл	2000	310	15,5	258
Бўстонлиқ	390	25	6,4	25
Юқори Чирчиқ	1450	65	4,5	40
Областъ бўйича	13000	4077	31,3	3722

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

УРҒАНЧ, 10 март. (ЎзТАГ). Хазорасп районидagi Нариманов номи колхозининг маданият саройида Хоразм областъ қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда областъ ижроия комитетининг раиси И. Жалилов пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг янада кўпайтириш тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари Ленин юбилей йили учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қўрбанов нутқ сўзлади.

ҚАРШИ, 10 март. (ЎзТАГ). Бу ерда Қашқадарь областъ қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг кенгаши бўлиб ўтди. Қашқадарь областъ ижроия комитетининг раиси И. Жалилов пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг янада кўпайтириш тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш юзасидан Ленин юбилей йили учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

нинг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

САМАРҚАНД, 10 март. (ЎзТАГ). Самарқанд областъ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Самарқанд областъ ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов, Ўтган йилнинг якуллари ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг юбилей йилидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари 1970 йил учун социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.


БУХОРО, 10 март. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро областъ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бухоро областъ ижроия комитетининг раиси Н. Бозоров 1969 қишлоқ хўжалик илғорларининг юбилей йилидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари 1970 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчовов нутқ сўзлади.

РАҲМАТЖОН РУС-ТАМОВ Янгийўл районидagi Ҳамроқул Турсунқулов номи колхозининг пешадам механизаторларидан бири. У шу кеча-қўндузда ўз агрегатини баҳорга шай қилиб қўйди. Суратда: Р. Рустамов ремонтдан чиқарилган техникани қўздан кечирмоқда.

Б. Гафуров фотоси.



СОВЕТ ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Қуни кеча жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин туғилган кунга 100 йил тўлишига атаб ўтказилган назарий конференция «Советлар тўғрисида Ленин таълимоти ва унинг коммунист қурилиш практикасида қўлланилиши» деган мавзуга бағишланди.

Конференцияда Тошкент областъ партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. М. Истомин «Советларда ленинча партия раҳбарлиги принциплари» деган темада доклад қилди.

Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси В. Д. Лисин ўз сўзида хўжалик ва маданий қурилиш ишларида Советлар ролини ошириш масаласини таъкидлади. Советлар фаолиятида демократик принципларни риёвожлантириш масалалари ҳақида эса Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси А. Э. Назаров сўзлади. Тошкент об-

ластъ ижроия комитетининг секретари М. И. Эгамбердиев Совет давлат аппарати ишларини ленинча принцип асосида ташкил этиш масалалари, Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг раиси З. Ф. Эрзабаров меҳнаткашларнинг хат, ариза ва тақлифларини кўриб чиқиш ҳамда қарорларнинг ижросини назорат қилишнинг ленинча принциплари ҳақида батафсил гапирди. Калинин район, Калинин қишлоқ Советининг шонли сана мусобақати билан олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганини ҳақида шу қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси М. Пулатова гапириб берди.

Шундан кейин сўзга чиққан областъ ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхон областъ халқ хўжалигига раҳбарлигини янада яхшилаш борасида маҳаллий Советлар олдига турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Шуниингдек район, шаҳар газеталари коллективлари авторларини фаоллаштиришга асосий вазифалардан ҳисобланади.

Районларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, хўжаликлар, корхоналар, совхозларнинг ишлари билан ердан бериш, меҳнатини ялғиз уюштиришнинг жорий қилинишини кенг ёритиш редакционлар фаолиятида муҳим тема бўлиб қолиши керак.

Совет кишилари шу кунларда дохилимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олган учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Умумхалқ мусобақасига қўшилган областъ санавотчилари ва қишлоқ хўжалиги ходимлари 1970 йилда ўз план ва мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун курашмоқдалар. Уларнинг шу йўлда қилаётган ижодий меҳнатларини ҳисоб қилувчи маҳаллий раёон ва шаҳар газеталари саҳифаларида кўп-кўп қилинган.

Шуниингдек район, шаҳар газеталари коллективлари авторларини фаоллаштиришга асосий вазифалардан ҳисобланади.

Районларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, хўжаликлар, корхоналар, совхозларнинг ишлари билан ердан бериш, меҳнатини ялғиз уюштиришнинг жорий қилинишини кенг ёритиш редакционлар фаолиятида муҳим тема бўлиб қолиши керак.

Совет кишилари шу кунларда дохилимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олган учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Умумхалқ мусобақасига қўшилган областъ санавотчилари ва қишлоқ хўжалиги ходимлари 1970 йилда ўз план ва мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун курашмоқдалар. Уларнинг шу йўлда қилаётган ижодий меҳнатларини ҳисоб қилувчи маҳаллий раёон ва шаҳар газеталари саҳифаларида кўп-кўп қилинган.

Шуниингдек район, шаҳар газеталари коллективлари авторларини фаоллаштиришга асосий вазифалардан ҳисобланади.

БИЛДИРИШ

Тошкент областъ ижроия комитети областъ Советининг депутатлариға маълум қиладики, 1970 йил 23 мартда эрта-лаб соат 11 да Республика билан қўндузда (Киров кўчаси, 24 уй) Меҳнаткашлар депутатлари XII қаъриқ областъ Советининг V сессияси чақирилади.

Меҳнаткашлар депутатлари областъ Советининг Ижроия Комитети V сессия муҳокама-сига қўйилган масалаларни кўрилади.

1. Маҳаллий Советларда ташкилий-оммавий ишларнинг аҳоли ва ун яхшилаш чоралари тўғрисида Олмалиқ шаҳар

ва Бўқа район ижроия комитетларининг ҳисоботлари. Докладчилар: Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ В. Д. Лисин.

2. Областъ Советининг маданий-оқартув ишлари бўйича доимий комиссиянинг ишлари тўғрисида, доимий комиссия раиси ўртоқ Ш. М. Тошқулов доклад қилади.

